




## ORIENTAL JOURNAL OF HISTORY, POLITICS AND LAW

journal homepage:

<https://www.supportscience.uz/index.php/ojhpl>



### SUBJECT COMMONALITY IN TRAVELOGUES

*Khulkar Ne'matova*

*Lecturer*

*Jizzakh State Pedagogical University*

*Jizzakh, Uzbekistan*

#### ABOUT ARTICLE

**Key words:** travelogue, travel document, adventure, travel, Uzbek literature, world literature, educational novels, hypocrites, Indian land, sea route.

**Received:** 06.10.22

**Accepted:** 08.08.22

**Published:** 10.08.22

**Abstract:** This article serves to achieve a number of scientific, geographical and economic objectives, organized at different times due to the high interests in the country of India, to date, a comparative analysis of the purpose of each trip, experience and conclusions from the trip, such as a "travel agreement", "trip", "daily" or "report", is discussed.

### САФАРНОМАЛАРДА МАВЗУ МУШТАРАКЛИГИ

*Хулкар Нематова*

*ўқитувчи*

*Жиззах давлат педагогика университети*

*Жиззах, Ўзбекистон*

#### МАҚОЛА ҲАҚИДА

**Калит сўзлар:** сафарнома, саёҳатнома, саргузашт, сайр, ўзбек адабиёти, жаҳон адабиёти, маърифий роман, мутафаккирлар, хинд диёри, денгиз йўли.

**Аннотация:** Ушбу мақолада турли даврларда биргина манзил – Ҳиндистан ўлкасига бўлган қизиқишнинг юқорилиги сабаб уюштирилган бир қатор илмий, географик ҳамда иқтисодий мақсадларни амалга оширишга хизмат қилган, бугунги кун учун эса мухим тарихий аҳамиятга молик бўлган оламшумул саёҳатлар хусусида сўз юритилиб, ҳар бир сафарнинг мақсади, сафардан олинган тажриба ва хуносаларнинг “саёҳатнома”, “сафарнома”, “кундалик” ёки “ҳисобот” каби кўринишлардан бирида ёзилганлиги бир қатор маълумотлар мисолида қиёсий таҳлил қилинган.

## ОБЩНОСТЬ ТЕМЫ В РАССКАЗАХ О ПУТЕШЕСТВИЯХ

**Хулкар Нематова**

*преподаватель*

*Джизакский государственный педагогический университет*

*Джизак, Узбекистан*

### О СТАТЬЕ

**Ключевые слова:** рассказ о путешествии, проездной документ, приключение, путешествия, узбекская литература, мировая литература, учебные романы, лицемеры, индийская земля, морской путь.

**Аннотация:** Данная статья служит для достижения ряда научных, географических и экономических целей, организованных в разное время из-за высокого интереса к стране Индия, на сегодняшний день обсуждается сравнительный анализ цели каждой поездки, опыта и выводов из поездки, такие как «соглашение о путешествии», «путешествие», «ежедневно» или «отчет».

### КИРИШ

Шарқ ёки ғарб давлатларининг сайёхлари бўлишидан қатъий назар амалга оширилган ёки режалигича қолиб кетган саёҳатларнинг деярли қўпчилиги сирли ва ўзига мудом чорлагувчи афсонавий ҳинд диёри – Ҳиндистонга боришни мақсад қилган эди. Саёҳатларнинг қуруқликда ёки денгиз йўли орқали, уловдами ёки пиёда боришдан қатъий назар, йўл мاشаққатларини англаған ҳолда амалга оширилаверган. Баъзан сафарларнинг омадсиз ва натижасиз якунига қарамай, қайта ва қайта янги марраларни кўзлаб яна сафарга чиқилаверган. Мавжуд хариталарга йўл-йўлакай ўзгартиришлар киритиб кетилган. Айнан хариталарда номаълум бўлиб турган ерларни топиш ва атрофлича бунга аниқлик киритиш учун аниқ мақсад билан отланган экспедицияларнинг қўпчилиги муваффақиятга эришган. Агар ушбу экспедицияларнинг сафар кундаликларини ёки ҳисботларини мавжуд манбаларга таяниб кўздан кечирсак, уларнинг Ҳиндистон ўлкаси билан боғлиқ маълумотларни билишга ва ўрганишга қизиқиши катта бўлганлигининг гувоҳи бўламиз. Бу бизга география фанининг тараққий этишида ўзининг муносиб ҳиссаларини қўшган бир қатор сайёх-олимларнинг буюк хизматларидан маълумдир. Шу боисдан ҳеч иккиланмай, Ҳиндистон сафари буюк географик кашфиётларнинг очилишига сабабчи бўлган, дея айта оламиз. Аммо фақат шу билан чекланилмаган. Ҳиндистон саёҳатининг биз юқорида таъкидлаган илмий қарашлардан ташқари, бадиий адабиётдаги сафарнома жанрининг такомиллашувида ҳам аҳамияти юксак бўлган. Бежиз бу хусусда гап очилмади. Боиси, бизнинг сўз юритмоқчи бўлган мавзуумиз ҳам бевосита шу мавзуга алоқадордир.

### АСОСИЙ ҚИСМ

Ўрта асрнинг буюк олими, мутафаккир Абу Райҳон Берунийнинг машҳур асари “Китобу фи таҳқиқи мо лил ҳинд мин маъқулатин мақбулатин фил ақли ав марзулатин”

(“Хиндларнинг ақлга сиғадиган ва сиғмайдиган таълимотларини аниқлаш китоби”) нинг қисқача номланиши “Таҳқиқу мо лил Хинд” (“Хинди斯顿га оид таҳқиқлар”) китобининг янада оддийроқ ва соддароқ номи “Хинди斯顿” бўлиб, у хинд ўлкасининг ўзига хосликларига бағишлиланган. Ушбу асарни инглиз тилида нашрга тайёрлаган ва унинг олимлар орасида танилишига ўз хиссасини қўшган Эдуард Захау “хиндшуносликда Берунийга тенг келадиган бирор олимнинг на ундан олдин ва на ундан кейин бўлганлигини билмаймиз”[6. 7], дея юксак таъриф беради. Бу бежизга эмас, негаки, “Беруний Хинди斯顿 ҳақида гапирав экан, … дуч келган ҳар бир воқеликларга ақлий ҳамда илмий ёндашади, хиндларгагина хос бўлган-у, аммо бошқа ҳалқларга ғайри одатийдек туюловчи ҳодисотларга бетарафона қараб, ундей одатларнинг келиб чиқиш сабабларини ахтаради ва унинг тубига етиб шарҳлади. Шу сабабдан ҳам у таъкидлаб, бу китоб тортишиш учун ёзилган китоб эмас, бу китоб хиндлар сўзини ўзгартирмай, рўйи рост ҳикоя қилиш китобидир”[ 6.12],-дейди. Тўғри, асар илмий нуқтаи назардан тўлақонли ўрганилган ва шу мақсадда фойдаланиб келинмоқда. Беруний “Хинди斯顿” асарини ёзишда ўзининг кун тартиби, мақсадлари ва уларга эришиш истаклари, ҳис-туйғулари ҳақида ҳеч бир сўз демайди, кўрган-кечиргандар хусусида илмий фикр бериб ўтади, холос. Сафарнома жанрига хос асар деб қаралмаслигининг ҳам боиси балки шундадир. Аммо, Берунийнинг ушбу асари гарчи саёҳатнома жанри нуқтаи назаридан Хинди斯顿 саёҳатига бағишлиланган асар бўлмаса-да, асарнинг ҳар бир сатридан сайёҳ қўзи ва нигоҳи ила кўриб ёзилган ва билдирилган фикр-мулоҳазалар орқали саёҳатнома жанрига хос айрим мулоҳазаларни учратиш имконини беради. Мазкур асар маълумотларни таҳлилий тарзда берилиши юзасидан “Бобурнома”ни эслатиб юборади, бунинг боиси, ўша мамлакат билан боғлиқ ҳар бир жиҳат ҳақида алоҳида тўхталиб ўтилган. Келтирилган маълумотларни у қайси (тилшунослик, адабиётшунослик, география, астрономия, диний назарияси) соҳага оидлигидан қатъий назар далиллар орқали исбот этган, айримларини эса кимдандир эшитганини ҳам рўйи-рост айтиб ўтган. Шу туфайли ушбу асарнинг фанга маълум бўлган бир қатор илмий жиҳатлари қаторида унинг сафарнома жанрига хос томонларини ҳам эътироф этишга асос бўла олади.

Жаҳон маданияти ва тафаккурига ўзининг муносиб ҳиссасини қўшган буюк араб сайёҳи Ибн Баттутанинг мақсадли ва самарали сафарларидан бири Хинди斯顿 томонга уюштирилган эди. Сафар ҳақида у ўзининг “Саёҳатнома” (Тухфат ан-нуззор фи ғаройиб ал-амсор ва ажоиб ал-асфор) асарида, сайёҳ сифатида қуидагилар тўғрисида батафсил сўз юритади: “Дехли майдони кенг, иморати кўп шаҳар. Ҳозирда у бир-бирига туташ тўртта шаҳардан иборат. Биринчисининг номи Дехли.... У беш юз саксон тўртинчи сана (1188 йил) да фатҳ қилинган; иккинчиси Сирий бўлиб (у “Дорул-халифа” деб ҳам номланади), …

учинчиси Тўғлуқобод ..., тўртингиси Жаҳонпаноҳ” [4.410]. Ибн Баттуга фикрини давом эттириб шаҳарнинг дарвозалари ва уларнинг қандай ва нима учун шундай номланганлиги ҳакида ҳам тўлиқ маълумот беради. Аҳамиятлиси, жуда кўп ва энг муҳим маълумотларни тақдим этишда бевосита тарихий далиллар билан асослаб кетади. Ушбу саёҳатнома ўзининг бениҳоя пухта ва мукаммал ёзилганлиги билан ажralиб туради. Ибн Баттута ўз саёҳатининг ҳар бир мамлакат хусусидаги фикрларини алоҳида бобларга ажратиб, мавзулаштириб, аниқ ва тушунарли тарзда китобхонга тақдим этганлиги боис ҳам ҳанузгача ўзининг қадрини йўқотмай келмоқда.

Буюк Соҳибқирон Амир “Темурбек Ҳиндистонни эгаллаб, сўнгра у ердан чиқиб кетганидан бўён Бҳира, Хушоб, Чаноб ва Чиниват каби бир неча вилоятлар Темурбек авлодининг яқинлари ва уларга тегишли кишилар тасарруфида эди” [1.169]. Амир Темурнинг муносиб авлоди бўлмиш Захириддин Муҳаммад Бобур ўзининг Ҳиндистонни забт этиши билан боғлиқ воқеаларини: “Ўша йилдан то тўққиз юз ўттиз иккинчи (1526) йилгача Ҳиндистонни эгаллашга астойдил киришиб, етти-саккиз йил ичida беш марта кўшин тортдик. Бешинчи сафар Тангри таоло ўз фазлу карами билан Султон Иброҳимдек душманни қаҳр-у ғазабига олиб яксон этди, Ҳиндистондек катта мамлакатни бизга мусассар қилди ва бўйсундирди” [1.202], - дея хотирлайди. Одатда, сайёҳатни хуш кўрувчи инсонларда бирон ўлкага ташриф этиш учун астойдил ният пайдо бўлгач, орзу-истакларни рўёбга ошириш истаги уларга тинчлик бермайди. Мирзо Бобурнинг Ҳиндистон томон сафари эса оддий сайёҳларнинг саёҳатидан фарқ қиласди. Агар таъбир жоиз бўлса, ушбу Ҳиндистон сафари тақдирнинг аёвсиз зарбаларида тобланиб, мashaққатли синовларидан мардона ўтиб, янги дунёқараш ва улкан мақсадларни ўзида жам этган шоҳ Бобур учун имкониятлар эшигини очувчи умид сафари бўлди. Турфа ажойиботларни ўзи учун кашф этиш асносида, нигоҳи тушган манзарани, воқеликни, шахсларни, қўйингки, эътиборга молик жиҳатларни китобхон учун ҳам қаламга олди. Ҳар бири ҳакида кенгроқ тўхталиб, шарҳлашга-да имкон топди. “Бобурнома”нинг асрлар оша китобхонларнинг диққатмарказида бўлишининг асосий сабаби ҳам унинг мукаммал ёзилганлигидадир. Француз олими Лен Пуул таъбири билан айтганда: “Бобирнинг биографик асар ва адабиёт борасида тутган ўрни унинг дадил саргузаштлари ва фаолияти билан, буларни ҳикоя қилган ажойиб мемуарлари билан белгиланади” [7.673]. Беҳисоб юксак таърифларга муносиб кўрганимиз “Бобурнома”да ҳам сафар таассуротлари ўта кўтаринки кайфиятда, айрим ўринларда эса муаллифнинг дардли изтиробларини ҳам ошкор этган ҳолда мемуар тарзда акс эттирилган.

“Дунё тарихида амалга оширилган саёҳатлар ва улар натижасида юзага келган асарлар инсоният ривожининг турли даврлардаги йўналишларини белгилаб берган” [3.3]. Биргина хитойлик дипломат ва сайёҳ Чжан Цяннинг Хитойдан Ўрта Осиёга уюштирган сафари

натижасида “Буюк ипак йўли”дек савдо йўлларини очилишига улкан ҳисса қўшган. Чжан Цяннинг Ҳиндистонга қилган саёҳати натижасида “Сайёҳ босиб ўтган мазкур йўналиш Хитойни Ганга водийси билан боғлайдиган асосий йўлга” [3.13] айланади. Чжан Цян сафарлари давомида тўплаган маълумотларни ҳисбот шаклида хитойлик тарихчи Сима Сзян томонидан ёзиб қолдирилган.

Бир қанча изланишлар шуни кўрсатадики, XVIII асрда татар адабиётида саёҳатномалар ёзиш ривожланган бўлиб, И smoil Оғанинг “Ҳиндистон ва Арабистонга саёҳат” асари шулар жумласига кириб, унда шоир Ҳинд ва Араб мамлакатларидан олган таассуротларини шеърий усулда баён этган.

Андижондан Ҳиндистонга автомобильда сафар қилишни мақсад қилган “Бобур изидан” номли халқаро илмий экспедиция 1992-йилда ўнлаб давлатлар сари илк сафарини уюштириди. Экспедиция раҳбари Зокиржон Машрабов навбатдаги экспедитсия хусусида тўлқинланиб қўйидагиларни баён этади: “Ҳиндистон бўйлаб сафаримизнинг энг қувончли воқеаларидан бири,...- бобурийлар авлоди Лайло Уммахони ва унинг ўғиллари Зиёвиддин, Масиҳиддин Тусийлар билан учрашувимиз бўлди. Табаррук хонадонда меҳмон бўлиб, шу нарсани англадикки, улар аждодларига нисбатан ўз эътиқод ва садоқатларини сақлаб қолишган. Заҳириддин Муҳаммад Бобурдан тортиб ўзларигача бўлган шажараларини яхши билишар экан” [2.266]. Бундан ташқари Шоир Қамчибек Кенжа ҳам ушбу экспедиция аъзоси бўлиб, сафар кундалигининг энг сермазмун қисми Ҳиндистон ўлкаси билан боғликлиги сабаб, унга “Ҳинд сориға” дея ном беради. Ушбу сафарнома ўзбек адабиётида сафарнома жанрининг қайта жонланиши ва янгича қиёфа касб этиши билан аҳамиятлидек, назаримда. Негаки, ушбу сафарноманинг китобхонлар томонидан илиқ кутиб олинганлиги, шу сабаб кейинги сафар таассуротларининг ҳам бир қатор туркум китоблар шаклида тақдим этилиши, фикримизни далиллайди. Буюк ёзувчимиз Пиримқул Қодиров таъбири билан айтганда: “Қамчибек Бобур номли халқаро экспедициянинг учинчи дафъа ташкил этилган ва жуда яхши самара берган сафарида иштирок этади. Асар кундалик шаклида ёзилган. Унда тасвирланган саргузаштлар, енгиб ўтилган қийинчиликлар, янги-янги ўлкалар ва мамлакатлар манзараси ўқувчини астойдил қизиқтиради. Айниқса, Дехли, Агра, Ҳирот, Машҳад, Калкутта, Лоҳур, Ҳайдаробод, Хайбар довонидан ўтиш ва бошқа кўпгина боблар таъсирли ёзилган” [5.6].

Қамчибек Кенжанинг бир қатор сафарномалари ҳамда Ҳайриддин Султоннинг “Бобурийнома” ма’рифий романларида Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг “Бобурнома” асаридан илҳомланиб ёзилган жумлаларни учратамиз, қолаверса, услугуб яқинлиги ҳам кўзга ташланади. Бундан ташқари, кўплаб мамлакатлар тасвири, халқларнинг урф-одатлари, атроф-мухитга бўлган муносабатларни баён этишда ҳам “Бобурнома”га қиёслов яққол

сезилиб турилади. Бунинг натижасида эса “биз тарихнинг беш аср давомидаги ҳаракати ва ўзгаришлари ҳақида тасаввур ҳосил қиласиз. Айни вақтда, Бобур Мирзо асарлари бугунги кун учун ҳам олий бир ҳақиқат мезони бўлиб хизмат қилишига ишонамиз” [5.6]. Сафар тафсилотларини жамлаб доимо ҳам айнан сафарномалар ёзилмаган. Сафардан кўзланган мақсадга кўра ҳар бир соҳага оид маълумотлар турлича йўналишда ёзилган бўлиб, баъзан улар илмий асар мақомини олган бўлса, айрим ҳолларда эса оддий ҳисобот кўринишида қолаверган. Шуни ҳам таъкидлаш ўринлики, ҳисобот шаклида ёзилган сафарда кўлга киритилган маълумотларнинг кўпчилиги буюк географик кашфиётларнинг очилишига сабаб бўлган. Буни биз биргина Чжан Цяннинг саёҳатлари битилган сафар ҳисоботи мисолида инсониятнинг у ёки бу соҳасининг ривожида сафар кундаликлари (ҳисоботи)нинг ўрни беқиёс эканлигига гувоҳ бўлдик.

Жаҳон, жумладан, рус адабиётшунослигида сафарномаларнинг табиати, жанр хусусиятлари, тадрижи ва такомили С. В. Сботова, К.А. Панцеров, В.А. Михайлов, Н.А. Громова, О.М. Скибина, В.А. Шачковаларнинг бир қатор салмоқли тадқиқотларида ўрганилган. Ўзбек адабиётшунослигида сафарномалар ва уларнинг тараққиёт тенденциялари, назарияси, сайёҳ-муаллифнинг адабий-эстетик, ижтимоий-маърифий қарашлари, таҳлил ва талқин масалаларини ўрганишга бағишлиланган алоҳида тадқиқотлар Х.Жалилова, шунингдек, адабиётшунос олим И.Гафуров, А.Расулов, У.Норматов, С.Содик, Б.Карим ва А.Нурматовнинг сўнгти йиллар сафарномаларининг етакчи хусусиятлари, сайёҳ-муаллиф дунёқарashi ва сафарномаларнинг бадиий хусусиятларига бағишлиланган илмий мақолалари мавжуд.

Жаҳон ва ўзбек сафарномаларини тадқиқ этишда бир қанча илмий мақола ва рисолаларнинг ўзаро қиёсан ўрганилиши натижасида, тадқиқотимизда таҳлил этилаётган асарларнинг сафарнома жанрига хос бўлган хусусиятларига кўпроқ эътибор қаратилди. Берунийнинг “Хиндистон” асари сафарнома жанрига мансуб эканлиги ҳар бир саҳифасидан англашилиб туради. Гарчи муаллиф ҳар бир кунни саналар билан, кўрган-кечирганларини тўлиқ тафсилотлар билан изоҳламаган бўлса-да, унинг хинд халқига оид қарашлари ва тасаввурларининг кенгайишида ўлка бўйлаб кезишларнинг хulosавий яқунлари сабаб ушбу асар яратилгандек, назаримизда. Бу ҳақда эса муаллифнинг ўз сўзларидан жавоб топгандек бўламиз: “Хабар кўз билан кўргандек бўлмайди, деган кишининг сўзи жуда тўғридир. Чунки кўриш кўринган нарсанинг ўзи бор пайтида ва ўз жойида турганида қаровчи кўзининг уни учратишидан иборатдир”. Демак, муаллиф ўз нигоҳи гувоҳ бўлган воқелик ҳақидагина ўргангандек, ёзган ва муносабат билдиргандек, дея айта оламиз. Бу эса айни сафарномаларга хос хусусиятдир.

Биз танишиб чиққан саёҳатномаларда ҳар бир сайёхнинг мақсадлари ва сафарларида муштараклик бор. Ҳиндистоннинг ўзига хос иқлим шароити, такрорланмас урф-одат ва анъаналари мудом эътибор марказида бўлиб келмоқда. Ушбу ўлкага ташриф буюрувчи сайёҳ ўзи учун муҳим деб билган жиҳатларни ахтаради ва қайд этиб боради. Шу йўсинда сирли мамлакатнинг у ёки бу ўзига хосликлари ҳақида маълумотларга эга бўлиб бораверади. Бугунги кунга қадар мавжуд бўлган сафар чизгилари ёки ёдномаларида инсониятнинг қизғин тарихи битиб борилганлигининг гувошига айланамиз. Қайси соҳа вакили бўлмайлик сафарномалар қаъридаги мислсиз маълумотлардан маънавий, илмий озуқа олиб, дунёвий илмга эга бўлиб бораверамиз. Юқорида келтирилган маълумотлар асосида шуни айтиш ўринлики, сафарномаларнинг пайдо бўлишида элчилар, математиклар, географлар ўз соҳалари ривожида амалга оширган бир қатор саёҳатлари муваффақиятли кечган. Айнан Ҳиндистон сафари деярли барча сайёҳлар шарофати ила ўз мамлакатлари билан ҳамдўстлик ришталарини боғлаш ва мустаҳкамлашга асос бўлиб хизмат қилганлигини келажак авлодларга етказишида ҳам сафарномаларнинг ўрни бекиёсdir: “Темурийзодалар ҳинди ва мусулмон маданиятининг узвий алоқасига асос солдилар. Бу фикримга “Ганга ва Жамна” исбот бўла олади” [2.269].

## ХУЛОСА

Демак, сафарномалар шунчаки йўл хотиралари ва ҳайратларини ифода этувчи оддий кундаликлар эмас, балки тарих ва келажакни боғловчи жонли ва ҳароратли воқеаларнинг фавқулодда гувоҳи бўлган асарлар дея айта оламиз. Шу билан биргалиқда сафарномаларининг илмий, тарихий, бадиий ҳамда маърифий аҳамияти ҳам юксак эканлигини таъкидлаш ўринлидир. Зоро, ҳар бир сафар бу янги оламга янгича нигоҳ ташлаш, тасаввур дунёсини бойитиш, сир-синоатлар-у жумбоқларга ечим топиш онларини инъом этади. Сафарнома жанри такомилида ҳар бир сафар битигининг ўз ўрни ва аҳамияти бекиёс бўлиб, буни бир қанча йўналишларда ўрганиш ва тадқиқ этиш келажакдаги муҳим вазифалардан биридир.

## ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Заҳириддин Муҳаммад Бобур. Бобурнома. Т. “Ўқитувчи” НМИУ, 2002 йил, 334 бет.
2. Хайридин Султон. Бобурийнома. Т.:”Шарқ”, 1997 йил, 416 бет.
3. К.Гадоев, С.Бердиева. Жаҳонгашта сайёҳ олимлар. Т.: “Ўзбекистон”, 2011 йил, 272 бет.
4. Ибн Баттута. Саёҳатнома. Т. Шарқ, 2012 йил, 688 бет.
5. Қамчибек Кенжа. Ҳинд сорига. Сафарнома. Т., “Шарқ” НМКБТ, 2000 йил, 352 бет.
6. Абу Райҳон Беруний. Танланган асарлар. Т.”Фан”, 1965 йил, 538 бет
7. Н.М.Маллаев. Ўзбек адабиёти тарихи. Биринчи китоб. Т., “Ўқитувчи”, 1965 йил, 742 бет.